



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ  
2022 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА  
Ҳ И С О Б О Т И**



Тошкент - 2023 йил

## МУНДАРИЖА

<b>I. Кириш</b>	<b>3-6</b>
<b>II. Давлат бюджети шакллантирилиши ва ижроси устидан назоратни амалга ошириш</b>	
2.1 Давлат бюджети лойиҳаси шакллантирилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликларига мувофиқлиги ва бюджетларнинг мутаносиблиги таҳлили	<b>7-9</b>
2.2 Бюджет тизими бюджетларининг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлиги ва қонунийлиги аудити	<b>9-13</b>
2.3 Давлат харидларининг самарадорлиги ва қонунийлиги аудити	<b>14-17</b>
2.4 Давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги аудити	<b>18-20</b>
2.5 Бюджет тизими бюджетларига маблағлар тушумларининг тўлиқлиги назорати, даромадларни кўпайтириш захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш	<b>20-24</b>
2.6 Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этилиши устидан назорат	<b>24-26</b>
<b>III. Пул-кредит ва валюта сиёсати, давлат активлари ҳамда мажбуриятлари ҳолати, олтин-валюта захиралари бошқарилиши устидан назоратни амалга ошириш</b>	<b>27-31</b>
<b>IV. Давлат қарзи маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш</b>	<b>32-33</b>
<b>V. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш</b>	<b>34-35</b>
<b>VI. Аниқланган муаммолар, мавжуд тўсиқлар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ва уларнинг натижалари</b>	<b>36-37</b>
<b>VII. Давлат бошқарув органлари ҳамда бошқа тегишли муассаса ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашишга доир чораларнинг амалга оширилиши устидан назорат</b>	<b>38-39</b>
<b>VIII. Амалга оширилган бошқа тадбирлар</b>	<b>40-41</b>
<b>IX. Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштириш ва кадрлар малакасини доимий ошириб бориш</b>	<b>42-43</b>

## I. КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ўз фаолиятини “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонун талаблари ва асосий принципларига мувофиқ амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устидан давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш мақсадида охириги 5 йил ичида тубдан янги тизимга айлантирилди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6300-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Ҳисоб палатасининг фаолияти янги сифат босқичига кўтарилди.

Ҳисоб палатаси давлат молиявий назорати органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона орган сифатида белгиланди.

Кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги сифатида 2022 йилда Ҳисоб палатаси фаолиятида муҳим ўзгаришлар амалга оширилди.

**Биринчидан**, ташқи аудит тадбирларини халқаро стандартлар асосида режалаштириш ва улар доирасида молиявий, самарадорлик ва мувофиқлик аудитларини ўтказиш тизими жорий этилди, шунингдек давлат молиявий назоратида хавф-тахлилни амалга ошириш стандартлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

**Иккинчидан**, 2022 йилдан бошлаб, Ҳисоб палатаси ва Давлат молиявий назорати инспекцияси ўтказадиган барча давлат молиявий назорати тадбирларини ҳамда вазирлик ва идораларининг ички аудит хизматлари ўтказадиган аудит тадбирларини янги ишга туширилган “Давлат аудити” дастурий комплексида рўйхатга олиш ва уларнинг натижаларини ушбу дастурда умумлаштириш тартиби жорий этилди.

Бунинг натижасида 251 та такрорий ва асоссиз текширишларнинг олди олинди, молиявий назорат тадбирларининг сифати ва самарадорлиги устидан вертикал назорат тизими яратилди.

Давлат молиявий назорати органлари ва ички аудит хизматлари томонидан 2022 йилда жами 5 702 та назорат тадбири ўтказилиб, 2021 йилга (11 285 та) нисбатан 48 фоизга камайди.

Бунда, жойига чиққан ҳолда амалга ошириладиган текширишларни сонини камайиши билан бир қаторда, масофавий назорат қилиш қамрови кенгайтирилди ва риск-тахлил асосида назорат тадбирларини белгилаш амалиёти жорий этилди.

**Учинчидан**, бюджет интизоми бузилиши ҳолатларининг таҳлилини амалга ошириш ва уларни содир этиш шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида 320 та турдаги ҳуқуқбузарликларни ўз ичига олган “Бюджет соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар турларининг таснифи” ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Тасниф аниқланган ҳуқуқбузарликларни ягона маълумотлар базасида жамлаш имкониятини яратиб, барча назорат органлари томонидан назорат тадбирлари давомида аниқланадиган ҳолатларни ҳуқуқбузарлик сифатида талқин қилишнинг бир хил амалиётини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

**Тўртинчидан**, ҳуқуқбузарлик ва хато-камчиликларга доир маълумотларни жамлаш, уларнинг юзага келишига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни ўрганиш, бартараф этиш чораларини белгилаш ва ижросини назорат қилиш мақсадида назорат тадбирлари натижаларининг ҳисобини юритиш ва бартараф этилишини назорат қилиш стандарти ишлаб чиқилди.

Бунда, молиявий назоратни амалга оширган масъул ходимни аниқлаган хато ва камчиликларини бартараф этишдаги масъулиятини янада ошириш ва якуний ижобий натижага эришган ходимни рағбатлантириш чоралари белгиланди.

**Бешинчидан**, Ҳисоб палатаси Осиё Олий аудит органларининг халқаро ташкилотига (ASOSAI) ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик мамлакатлари олий аудит органлари (ECOSAI) ташкилотининг Аудит бўйича қўмитасига аъзо бўлди.

Бу ўз навбатида мамлакатимизда молиявий назорат жараёнининг шаффофлигини ошириш ва аудиторлик фаолияти сифатини таъминлашга хизмат қилиб, натижада давлат молиявий назорати органлари ва аудит натижаларига нисбатан кенг жамоатчилик ишончининг ошишига олиб келади.

**Олтинчидан**, Ҳисоб палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт университети ва Молия институти ўртасида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича “Ўзаро ҳамкорлик меморандуми” тасдиқланди.

Халқаро тажрибалардан фойдаланган ҳолда 2022-2023 йил ўқув режаларига “Мувофиқлик аудити”, “Молиявий аудит”, “Самарадорлик аудити” ва “Давлат молиявий назоратида хавф-таҳлил” каби янги фанлар киритилди.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатасида давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базаларидан реал вақт режимида электрон сўров асосида автоматик фойдаланиш тизими йўлга қўйилди.

Ушбу маълумотлар асосида аудит тадбирлари автоматлаштирилган “Камерал назорат” дастурий таъминоти орқали аниқланган рискларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилмоқда.

“Камерал назорат” дастурий таъминоти уч босқичда, жумладан:

**биринчи босқичда** - давлат идораларининг маълумотлар базалари билан интеграциялашув асосида олинган маълумотларни шакллантириш;

**иккинчи босқичда** - шакллантирилган маълумотларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш;

**учинчи босқичда** - ҳуқуқбузарликларни таснифлаш ва уларнинг хавф даражасига қараб тегишли чора-тадбирлар, яъни аудит тадбирини белгилаш ёки хавфни якуний баҳолаш учун ички аудит хизматларига тақдим этишни таъминлайди.

Ҳисоб палатасининг 2022 йил учун тасдиқланган назорат ишларининг йиллик дастурига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонунда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан 74 та назорат тадбирлари, ҳудудлар ва соҳалар бўйича 37 та тематик таҳлиллар ўтказилди.

Назорат тадбирлари ва таҳлиллар натижасида:

- ортиқча харажатларнинг олди олинди, ортиқча бюджет харажатлари мақбуллаштирилиб, долзарб масалаларни молиялаштириш учун қайта йўналтирилди;

- Давлат бюджетига қўшимча даромад манбалари аниқланиб, ундирилди;

- бюджет маблағлари ҳисобидан ортиқча ва ноқонуний, мақсадсиз ва самарасиз харажатлар, давлат харидлари қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланиб, уларни бартараф этиш ва келгусида такрорланмаслик чоралари кўрилди;

– коррупция аломатлари мавжуд бўлган назорат тадбирлари ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш ишлари олиб борилди.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган дастурлар ижроси доимий, жойига чиққан ҳолда назоратга олиниб, амалий ёрдамлар кўрсатиб борилди.

Давлат Раҳбарининг 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига ташрифлари давомида берилган топшириқлар ижроси устидан доимий назорат ўрнатилди.

Мазкур ҳисоботда Ҳисоб палатаси томонидан 2022 йилда амалга оширилган назорат тадбирлари ва таҳлилий ўрганишлар натижалари ўз аксини топган.

## **II. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ ВА ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

### **2.1. Давлат бюджети лойиҳаси шакллантирилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликларига мувофиқлиги ҳамда бюджетларнинг мутаносиблиги таҳлили.**

Ҳисоб палатаси томонидан 2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, бюджет лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича 70 та таклиф ва тавсияларни ўзи ичига қамраб олган хулоса Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Таклиф ва тавсияларнинг 51 таси “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топди, 19 таси юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Жумладан, бюджет даромадлари бўйича солиқ маъмурчилигида киритилиши режалаштирилган ўзгаришларни чиқариб ташлаш ҳамда қўшимча тушумлар қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Бундан ташқари, бюджет харажатларини мақбуллаштириш ҳамда бошқа турдаги харажатлар миқдорини ошириш тўғрисида таклифлар берилди.

Мисол учун, умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритувчи педагог кадрларнинг иш ҳақи харажатлари мавжуд синфлар сонидан келиб чиққан ҳолда қайта ҳисобланиб, маблағларни мақбуллаштириш имконияти аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларини амалга ошириш учун 2023 йил Давлат бюджети лойиҳасида маблағларни тўлиқ кўзда тутилганлиги таҳлил қилинди.

Жумладан, 2023 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида давлат суғурта тизимини жорий этилиши ҳамда 2023 йилда тегишли маҳаллий бюджетлардан Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига трансфертлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўтказилган ўрганишларда “Электрон поликлиника” ([reg.ssv.uz](http://reg.ssv.uz)) марказлашган маълумотлар базасига эга ахборот тизими республикадаги 806 та тиббиёт муассасасида жорий қилинмаганлиги маълум бўлган.

Танқидий таҳлил натижалари асосида давлат тиббий суғуртаси тизимини бошқа ҳудудларда, шу жумладан Бюджетномада назарда тутилган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд,

Навоий, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида жорий этиш масаласи кейинги йилларга қолдириш таклиф этилди.

2023 йилда Сирдарё ва Тошкент шаҳрини тиббий суғурта тизимига ўтиши назарда тутилган ҳолда бюджет лойиҳасига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳаларининг шакллантирилган кўрсаткичлари асослилиги ўрганилди.

Таҳлил қилишда республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга ажратилган трансфертлар, Молия вазирлиги томонидан ҳудудларга етказилган чекланган миқдорларга нисбатан 7 та ҳудудий ҳокимликлар тақдим этган лойиҳаларда фарқ мавжудлиги маълум бўлди.

Қонун лойиҳасида акс эттирилган миқдорлар билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган бюджет лойиҳаларини ўзаро номутаносиблиги, жумладан, ҳудудларда даромадлар прогнози ва харажатлар кам режалаштирилганлиги аниқланди.

Таҳлиллар бюджет лойиҳаларида 2023 йилда талаб этиладиган иш ҳақи харажатларига 8 та ҳудудда кам белгиланганлиги ва 9 та ҳудудда маҳаллий бюджетдан молиялаштириш кўзда тутилмаган харажатлар учун ортиқча маблағлар режалаштирилганлигини кўрсатди.

Маҳаллий бюджетлар лойиҳалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига хулосалар тақдим этилди.

Давлат бюджетининг 2021 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида олдини олиш юзасидан Молия вазирлиги билан 65 та тадбирдан иборат (*шундан 19 таси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, 11 таси дастурий комплексларни такомиллаштириш бўйича*) қўшма чора-тадбирлар тасдиқланди ва ижроси назоратга олинди.

Шу каби, тизимли камчиликларни олдини олиш юзасидан Молия вазирлигига кўрсатма берилиб, аниқланган ҳолатларни келгусида олдини олиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига 22 та йўналишда таклиф ва тавсиялар киритилди.

Давлат бюджети маблағларини мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш мақсадида Давлат бюджети харажатларини



мақбуллаштириш бўйича 3 та назорат тадбирлари ўтказилиб, бюджет харажатлари мақбуллаштирилди.

Бунда, мақбуллаштириш имконияти аниқланган бюджет маблағларини мамлакатнинг энг устувор вазифаларини молиялаштириш учун қайта тақсимлаш юзасидан Молия вазирлигига берилган кўрсатмага асосан тегишли ташкилотларнинг харажатлар сметаларига ўзгартиришлар киритиш орқали маблағлар қайта тақсимланди.

## **2.2. Бюджет тизими бюджетларининг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлиги ва қонунийлиги аудити.**

Бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлиги ҳамда қонунийлигини аудитдан ўтказиш, бу харажатларни барча даражаларда мақбуллаштириш имкониятларини аниқлаш юзасидан 48 та назорат тадбири ўтказилди.

Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигида ўтказилган ўрганишда, белгиланган талабларга риоя этмасдан яроқлилик муддати тугашига қисқа вақт қолган 26 турдаги дори воситалари “Ўзмедимпекс” МЧЖ томонидан харид қилиниб, давлат тиббиёт муассасаларига тарқатилгани аниқланди ва ҳолатга ҳуқуқий баҳо бериш чоралари белгиланди.

Мисол учун, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўрсатмасида яроқлилик муддати камида 18 ой бўлиши белгиланган “Витал Вит К1” дори воситасининг яроқлилик муддати тугашига 4 ой қолганида 19,5 минг флакон харид қилиниб, истеъмолга чиқарилган.

Ипотека кредити бўйича субсидия ажратиш ҳақида 3 мингдан ортиқ нотўғри хулосаларни берилгани аниқланиб, ноқонуний харажатларни олди олинди ва субсидия олувчи талабгорларни баҳолашда инсон омили бартараф этилди.

Масалан, кадастр бўлинмалари томонидан номида уй-жойи мавжуд бўлган 1 258 нафар фуқарога уй-жойи йўқлиги ва уларга субсидия ажратиш тўғрисида нотўғри хулосалар берилган.

Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари тизимида фуқароларнинг айрим тоифалари учун берилган имтиёзларнинг тўғри қўлланилиши ва коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан мувофиқлик аудити ўтказилди.

Ўрганишда 118 нафар талаба ногиронлик тўғрисидаги ҳужжатлари имтиёз олиш тоифаларига номувофиқ ёки қалбакилаштирилган ҳолда қўшимча давлат гранти асосида олий таълим муассасаларига қабул қилинганлиги аниқланди.

Шу каби, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тавсияномаси асосида ҳақиқатда эҳтиёжманд оилалар тоифасига мансуб бўлмаган 121 нафар хотин-қизлар қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган.

Шу билан бирга, Халқ таълими тизимида малака сертификатини амал қилиш муддати тугаган педагогларга қўлланилиб келган қўшимча устама харажатлари мақбуллаштирилиб, асоссиз тўловларнинг олди олинди.

Аниқланган қонун бузилишлар ва коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича 14 та банддан иборат чора-тадбирлар тасдиқланиб, ижроси назоратга олинди.

Яна бир йўналиш, Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда рақамли бошқарув ҳамда “Хавфсиз ва равон йўл” дастури доирасида белгиланган топшириқлар ижроси ўрганилди.

Аниқланишича, Тошкент шаҳридаги 120 та чорраҳага умумий қиймати 46,2 млн долларлик камераларни ўрнатиш лойиҳаси доирасида Швейцария компанияси томонидан 1 088 та камералар (*шундан 992 та кузатув, 96 та қоидабузарликни қайд этиш*) ўрнатилган.

Ушбу камералардан 577 таси (*53 фоизи*) ишламаслиги, келтирилган ускуналарнинг 25 фоизидан фойдаланилмасдан, 3,7 млн доллар самарасиз сарфланганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, ускуналардан фойдаланилмасдан, маблағлар самарасиз сарфланганлиги юзасидан тўпланган ҳужжатлар бўйича Бош прокуратура томонидан ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Шу билан бирга, Маданият вазирлиги тизимида ўтказилган молиявий ва мувофиқлик аудитида смета-штат интизоми бузилганлиги аниқланди

Шунингдек, 75 та давлат харидларининг қонунийлиги ўрганилганда, 14 та шартнома манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ҳолатида имзоланишига йўл қўйилгани маълум бўлди.

Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликларида ахборот тизимларини сифатли ишлаб чиқилганлиги ва улардан фойдаланиш ҳолати ўрганилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида сифатсиз ва талабга жавоб бермайдиган ахборот тизими жорий этилган.

Халқ таълими вазирлигида таълим соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси мониторингини юритувчи “ijro.uzedu.uz” ахборот тизими ишлаб чиқилган бўлсада, тизим амалиётга тўлиқ жорий қилинмаган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида жорий этилган 5 та ахборот тизими бўйича “Киберхавфсизлик маркази” ДУҚдан экспертиза хулосаси олинмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 2022 йил сентябрь-декабрь ойларида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш учун ўтказилган танлов савдолари ўрганилганда, 23 та аффилиланганлик ҳолатлари аниқланиб, маълумотлар ҳуқуқий баҳо бериш учун Бош прокуратурага юборилди.

Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш ҳамда Виночиликни ривожлантириш жамғармалари маблағларининг мақсадли сарфланиши текширилганда самарасиз харажатлар аниқланди.

Жумладан, томчилатиб суғориш тизими жорий этилган майдонларда экилган кўчатлар қуриб қолганлиги оқибатида субсидия маблағлари самарасиз, сарфланган.

Бундан ташқари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида молиявий ҳамда самарадорлик аудити ўтказилди.

Таҳлиллар соҳага ажратилаётган маблағларнинг шаффофлигини таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш, фуқароларни жамоат ишларига жалб қилиш ҳамда ишсизлик нафақасини тўлаш каби йўналишларда тизимли муаммолар борлигини кўрсатди.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан ажратилган субсидиялар самарасиз, Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга ажратилган имтиёзли кредитлар мақсадсиз ва самарасиз сарфланганлигини кўрсатди.

Масалан, “Халқ банки” Кармана бўлими 6 та оилавий корхонага ишлаб чиқариш биносини қуришга ажратган имтиёзли кредитлар мақсадсиз сарфланиб, иш ўринлари яратилмаган.

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой таъминоти бўйича 09.08.2021 йилдаги ПҚ-5216-сон қарорнинг ижроси ўрганилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди ва 242 нафар етим болага уй-жойлар мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида расмийлаштириб берилиши таъминланди.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши сабабли етказилган зарарни қоплаб берилиши бўйича сўнгги беш йилда бузилиши белгиланган 8 191 та кўчмас мулклар хатлов қилиниб, ягона электрон базаси йўқлиги оқибатида ҳисоботларда жиддий камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди.

Бунда, кўчмас мулкларнинг 7 522 таси (92 фоизи) бузилиб, 5 669 таси (69 фоиз) бўйича 2,2 трлн сўм компенсация тўланган.

Маҳаллий ҳокимликлар ҳисоботларида 01.07.2022 йил ҳолатига бузилиши белгиланган 348 та объект бўйича 399,1 млрд сўм қарздорлик кўрсатилган.

Бироқ, ҳақиқатда қолган 979 та объект бўйича қарздорлик 841,7 млрд сўм (ҳисоботга нисбатан 2,1 баробар кўп) эканлиги, 1 543 та объект баҳоланмасдан бузилиб, компенсация тўланмаганлиги аниқланди.

1 342 та объектни (1 064 таси баҳоланмаган) бузиш бўйича қарор қабул қилинганига 5 йилдан кўп муддат ўтган бўлсада, қарздорликлар қопланмаган.

Ўрганишда 68 та объект бўйича 68,3 млрд сўмлик компенсация тўлаб берилиши таъминланди ҳамда бузилиши белгиланган мулкларни ягона электрон базасини яратиш юзасидан топшириқлар берилди.

“Ёшлар меҳнат гузарлари” ва “Ёш тадбиркорлар” коворкинг марказлари учун ажратилган ер майдонларининг 245 гектари ёки 30 фоизи белгиланган мақсадда фойдаланилмаганлиги, 17 гектари ноқонуний равишда сотиб юборилганлиги аниқланди.

Шу каби, Халқ таълими тизимидаги 294 та мактабнинг 100,3 гектар ер майдони вазирлик рухсатисиз бегоналаштирилганлиги аниқланиб, қонуний чоралар кўриш белгиланди.

### **2.3. Давлат харидларининг самарадорлиги ва қонунийлиги аудити.**

Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан 8 та назорат тадбирлари ўтказилди.

Назорат тадбирларида харидлар қонунчилик талабларини четлаб ўтиш орқали амалга оширилганлиги, жумладан 789 та ҳолатда манфаатлар тўқнашувига ва 6 111 та ҳолатда бошқа қонун бузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Давлат буюртмачилари томонидан харидларни рақобатли усулларини четлаб ўтган ҳолда, қонун ҳужжатларга зид равишда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш, юқори нархларда харидларни амалга ошириш, очиклик ва шаффофлик принципига риоя этилмаслик ҳолатлари учрамоқда.

Жумладан, “Электрон кооперация портали маркази” давлат корхонасида давлат харидларининг ташкил этилишида норматив-меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши ва давлат буюртмачиларининг амалга оширган харидлари қонунийлиги ўрганилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йилдаги 833-сон қарори билан тасдиқланган “Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси портали фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига зид равишда порталда буюртмачи турини мустақил белгилашига шароит яратилганлиги сабабли, 57 та давлат буюртмачиси хусусий буюртмачи сифатида рўйхатдан ўтиб, нарх сўрови механизмисиз, рақобат таъминланмаган ҳолда 770 та шартномалар тузилган.

Низом талабларига кўра, етказиб берувчи пастроқ нарх таклифини нарх сўрови юборилган пайтдан бошлаб 48 соат ичида беришга ҳақли бўлсада, дастурдаги камчиликлар сабабли шартномаларни тузишда муддатлар узайишига йўл қўйилган.

Оқибатда, портал орқали давлат харидларини амалга оширишда *(18,9 минг та шартнома ёки жами шартномаларнинг 23 фоизи)* белгиланган муддатларга риоя этилмаганлиги аниқланди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирининг буйруғи *(рўйхат рақами 3206-сон, 23.12.2019 й.)* билан белгиланган воситачилик йиғими миқдори портал томонидан нотўғри қўлланилиб, 155 та шартномалар бўйича ортиқча маблағ ундирилган бўлса, 831 таси бўйича йиғимлар ундирилмаган.

Шу каби, 2020 йил январь-май ойларида паст нарх таклиф этган иштирокчилар бўлсада, давлат буюртмачилари томонидан 797 та шартномалар Низом талабларига зид равишда бошқа қиммат таклифлар асосида тузилиб, ортиқча харажатларга йўл қўйилган.

Шунингдек, етказиб берувчилар танланган офертадаги бошланғич нархга нисбатан пастроқ нарх таклифини бериши мумкинлиги белгиланган бўлсада, 468 та ҳолатда нарх таклифлари бошланғич нархга нисбатан юқори бўлган.

Назорат тадбири давомида кўрсатилган амалий ёрдам натижасида дастурий таъминотдаги камчиликлар бартараф этилиб, бошланғич нархга тенг ва ундан юқори нарх беришга чекловлар ўрнатилди.

Ўрганиш якуни бўйича аниқланган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида, тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тақдим қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.08.2020 йилдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4812-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, давлат буюртмачилари томонидан амалга оширилган импорт харидлари таҳлил қилинди.

Давлат

давлат харидлари доирасида импорт қилинган 15,5 млн долларлик (шундан 557,5 минг доллар бюджет буюртмачилари) товарлар божхона омборларида уч ой ва ундан ортиқ муддатда сақланаётганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 366-моддасида товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат мавжуд бўлмаганда, импорт товарга нисбатан божхона божининг икки баравар оширилган ставкаси қўлланилиши белгиланган.

Бироқ, давлат буюртмачилари томонидан импорт товарларининг келиб чиқиш сертификати тақдим этилмасдан, 2 355 та ҳолатда божхона божлари максимал ставкалар қўлланган ҳолда тўланишига йўл қўйилган. Ўз навбатида мазкур ҳолатлар давлат буюртмачиларининг ортиқча харажатларни амалга оширишига олиб келган.

Товарларни Ўзбекистон ҳудудига етказиб бериш шarti билан тузилган шартномалар бўйича 25 319 та ҳолатда 258 та ташкилот томонидан божхона қийматини олиб кириладиган товарга доир битимнинг қиймати бўйича аниқлаш учун лозим бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган ёки лозим даражада расмийлаштирмаган.

Оқибатда, фактура қийматига нисбатан 42,3 фоизга юқори белгиланган.

Ушбу товарлар бўйича давлат буюртмачилари томонидан божхона тўловлари учун қўшимча харажатлар амалга оширилган.

Шунингдек, давлат буюртмачилари томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган товарларга ўхшаш бўлган маҳсулотлар импорт қилинган.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талабларига зид равишда давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига 1 066 та импорт шартномалари тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилмаган.

Таҳлиллар натижалари ва ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси юқори туруви идораларга киритилди.

Бундан ташқари, масофавий олинган электрон ахборотларни таҳлил қилиш асосида давлат харидлари субъектлари ўртасида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш ҳолатлари ўрганилди.

Таҳлилда 2018-2021 йилларда бюджет буюртмачиларининг мансабдор шахслари ёки уларнинг яқин қариндошлари улуши бўлган етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларга кўра харажатлар амалга оширилганлиги юзасидан шубҳали ҳолатлар аниқланди.

Ушбу шубҳали ҳолатлар танлов асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 57 та бюджет буюртмачилари мисолида ўрганилганда, уларнинг

53,9 млрд сўмлик 709 та шартномалари қонунчилик нормаларига зид равишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ҳолда тузилганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, манфаатлар тўқнашувига доир шубҳали тўловлар бўйича 11 та вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматларига берилган кўрсатмалар асосида 2,7 мингдан ортиқ шартномалар манфаатлар тўқнашуви мавжуд ҳолда, шунингдек 9 та шартнома қиммат нархларда тузилганлиги тасдиқланди.

Давлат харидлари доирасида тузилган шартномаларни бекор қилиш сабаблари ҳамда Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия фаолияти самарадорлиги ўрганилди.

Аниқланишича, 2021 йилда ва 2022 йилнинг биринчи ярмида давлат буюртмачилари томонидан “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖ электрон платформа савдолари орқали тузилган 1,4 млн та (*шундан 988 мингта бюджет буюртмачилари*) шартномаларнинг 169,1 мингтаси (*11,8 фоиз*) бекор қилинган.

Ўрганишда электрон тизимга шартномаларни бекор қилиш сабаблари киритилмаганлиги ва бундай сабабларнинг таснифи ҳам ишлаб чиқилмаганлиги аниқланди.

Давлат буюртмачилари томонидан 40 мингта шартномалар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслик ёки бошқа мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказиб берувчиларга жарималар сифатида самарасиз харажатлар амалга оширилган.

Шу каби “Рақамли трансформация маркази” ва “ХТ-Харид technologies” МЧЖ ҚК электрон платформалари орқали давлат буюртмачилари томонидан самарасиз харажатлар амалга оширилган.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 63 ва 70-моддаларида танлаш ёки тендер савдоларининг ғолиби шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмаслиги белгиланган.

Бироқ, 487 та ҳолатда танлаш ва тендер савдолари ғолиблари шартнома тузишдан бош тортган бўлсада закат маблағлари операторнинг ҳисоб-китоб клиринг палатасида банд қилиниб, етказиб берувчиларга қайтариб юборилган.

Ўрганиш натижасида аниқланган муаммо ва камчиликларни олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган 24 та таклиф Иқтисодиёт ва молия вазирлигига юборилди.

Жаҳон банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида амалга оширилаётган “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси ўрганилди.

Лойиҳа доирасида тузилган 91 та шартноманинг барчаси бўйича танлов жараёнларида харид тартиб-таомилларининг бузилишига йўл қўйилган.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан ўтказилган танловларда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилиб, 3 та шартнома имзоланган.

Бундан ташқари, пудратчи ва лойиҳачиларнинг солиқ қарздорлиги мавжуд бўлсада, улар савдолардан четлатилмасдан, аксинча ғолиб деб топилиб, 50 та шартнома тузилган бўлса, 3 та талабгор 4 та объект бўйича тақдим этган солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотномалар ўз тасдиғини топмади.

#### **2.4. Давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги аудити.**

Давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги, маблағларни ўзлаштирилиши ва дастурлар доирасида амалга ошириладиган вазифаларни ўз вақтида бажарилиши ҳамда уларнинг натижадорлиги юзасидан жойларга чиққан ҳолда ва масофавий тарзда 9 та назорат тадбири ўтказилди.

Жумладан, 2022 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида қурилиш-монтаж ишлари бошланмаган ва молиялаштириш очилмаган объектларда ўтказилган ўрганишда муаммоли объектлар мавжудлиги аниқланди.

Шунингдек, дастур доирасида қурилиш-монтаж ишлари бошланмаган, молиялаштириш очилмаган ва ажратилган лимитларни тўлиқ ўзлаштирамаслик хавфи мавжуд бўлган 814 та (*шундан мақбуллаштира* *бўладиган 541 та ва ишлар су* *ст бажарилаётган 273 та*) объект аниқланди.

Ўрганишда аниқланган маблағларни мақбуллаштириш юзасидан тегишли идораларга таклифлар киритилди. Ушбу таклифлар Олий Мажлис палаталари томонидан кўриб чиқилиб, маблағларни мақбуллаштириш юзасидан “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартишлар киритилди.

“Янги Андижон” шаҳрини барпо этиш ишлари самарали ташкил этилганлиги, қурилиш ишлари тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқлиги ва молиялаштириш бажарилган ишларга мутаносиблиги таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.06.2021 йилдаги ПҚ-5154-сон қарорига асосан “Янги Андижон” шаҳрини барпо этишга



Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 млн долл. эквивалентида маблағ ажратилган.

Таҳлилда “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ДУК буюртмаси асосида амалга оширилаётган 4 та объект бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилмаган ва экспертиза хулосаси олинмаган бўлсада, ишлар бажарилганлиги ва молиялаштирилганлиги аниқланди.

Ўрганишда аниқланган камчиликлар вилоят ҳокимлигида танқидий муҳокама қилиниб, масъулларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Автомобиль йўллари қўмитасида ҳақиқий қарздорликлар таҳлил қилинганда, республика бўйича йўл қурилиши соҳасида амалга оширилган қўшимча пудрат ишлари юзасидан мавжуд қонун ҳужжатлари асосида манзилли дастурлар ва лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмаганлиги, аниқ ҳисоб-китоби юритилмаганлиги маълум бўлди.

Бу каби ҳолатлар Тошкент, Фарғона, Наманган ва Бухоро вилоятларида танланма усулда ўрганилганда, 88 та объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек ҳисоботдаги 53 та ҳолатда қарздорлик асосиз киритилганлиги аниқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Тошкент, Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасидаги лойиҳаларга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши ўрганилди.

Ўрганишда 255 та объектда ишлар сифатсиз бажариш, бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиш, меъёрларни нотўғри қўллаш каби камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Шунингдек, 662 та объект (16 фоиз) муддатида топширилмаганлиги, қабул қилинмаган 41 та объект “фойдаланишга топширилган” деб ҳисоботга киритилганлиги аниқланди.

Ўрганишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъул ижрочиларга кўрсатмалар берилди, қонун бузилиши ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли ҳужжатлар Бош прокуратурага юборилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати “Инком капитал қурилиш” ИКда ўрганиш ўтказилди.

Ўрганишда “Тошкент шаҳридаги Тарих институти, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти, Ўзбекистоннинг замонавий тарихи

бўйича мувофиқлаштириш - услубий маркази жойлашган 9 қаватли бинони капитал таъмирлаш” объекти бўйича хато ва камчиликлар аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар Бош прокуратурага юборилди.

Андижон вилоятида оилавий поликлиникалар қурилиши ва моддий-техник таъминоти ҳолати ўрганилди.

Ўрганишда вилоятдаги қурилиш ишлари олиб борилаётган ва моддий-техник таъминоти яхшиланиши белгиланган 83 та оилавий поликлиниканинг 8 тасида қурилиш ишлари охирига етказилмасдан тўхтаганлиги, 1 тасида қурилиш ишлари давом этаётганлиги ва 20 тасининг биноси таъмирталаб ҳолатда эканлиги маълум бўлди.

2019-2022 йилларда 36 та объектни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун пудратчи ташкилотлар билан шартнома тузилиб, бажарилган ишлар учун молиялаштирилган.

Ўрганишда 25 та оилавий поликлиникада бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари санитария қоидалари, нормалари ва гигиена талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, вилоятдаги оилавий поликлиникалар 15 турдаги 1 066 та мебель, 45 турдаги 2 683 та тиббий жиҳозлар, 60 та компьютер ҳамда 6 турдаги 507 та бошқа жиҳозлар билан таъминланмаган.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда тизимли муаммолар ечими юзасидан таклифлар киритилди.

## **2.5. Бюджет тизими бюджетларига маблағлар тушумларининг тўлиқлиги назорати, даромадларни кўпайтириш захираларини аниқлаш ҳамда сафарбар қилиш.**

Ушбу йўналишда ҳисобот йилида тизимли назорат ҳамда солиқ турлари ва ҳудудлар бўйича кунлик мониторинг ишлари давом эттирилди.

Давлат бюджети даромадларининг, жумладан солиқ ва божхона тўловларининг йиғилувчанлик даражаси Ҳисоб палатаси томонидан дастурий таъминотлар орқали тизимли таҳлил қилиб борилди.

Жумладан, барча солиқ турлари бўйича прогноз ва ҳақиқатдаги кўрсаткичлар юзасидан кунлик, ойлик ва чораклар кесимида мониторинг олиб борилди.

Бюджетга қўшимча даромад манбаларини жалб қилиш бўйича 8 та назорат тадбирида солиқларни тўлиқ ҳисобланиши, давлат фойдасига маблағларни мажбурий ундирилиши бўйича ижро ҳужжатларини бажарилиши ва бошқалар таҳлил қилинди.

Тадбир натижаларига кўра Давлат бюджетига қўшимча даромад манбалари аниқланиб, ундирилиши таъминланди.

Жумладан, “Ангрен” ва “Навоий” эркин иқтисодий зоналарининг 2017-2021 йиллардаги фаолияти мувофиқлик аудитидан ўтказилди.

Ўтган давр мобайнида инвестиция мажбуриятлари бажарилмаганлиги оқибатида Маъмурий кенгашлар қарорлари билан 24 та ҳамда молиявий қийинчилик, солиқ ва божхона имтиёзлари бекор қилинганлиги ва бошқа сабабларга кўра ихтиёрий равишда 24 та ташкилот иштирокчилик мақомини йўқотган.

Эркин иқтисодий зоналарда божхона ва солиқ имтиёзларидан фойдаланган иштирокчилар таҳлил қилинганда, хато ва камчиликлар аниқланди.

Шунингдек, 76 та иштирокчининг бухгалтерия ҳисоботларидаги номувофиқликлар бўйича солиқ идоралари томонидан кўшимча назорат тадбирлари амалга оширилмаган.

Ўрганишда ҳокимликлар томонидан дирекциялар хабардорлигисиз 71 та субъектга 414 гектар ер майдони ажратилганлиги, шундан 32 таси кадастр органларида давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, амалдаги тартибга зид равишда ЭИЗ иштирокчиларига 25 та ҳолатда 147,5 га ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратилганлиги, Ангрен шаҳар ҳокимлигида 2 та ҳолатда 5,75 га ер ажратиш бўйича қарорлар рўйхатга олиш китобида қайд этилмаганлиги аниқланди.

“Ангрен” ЭИЗ ҳудудида иштирокчи бўлмаган тадбиркорларнинг муддатида қурилиши тугалланмаган объектлари бўйича 25 та ҳолатда ер ва мол-мулк солиғи, 3 та ҳолатда ер майдонлари кадастр органларида рўйхатдан ўтказилмаганлиги оқибатида ер солиғи ҳисобланмаган.

Ушбу ҳолатларни бартараф этиш бўйича тегишли вазирлик ва идораларга кўрсатмалар ҳамда ҳокимликларнинг ер ажратиш тўғрисидаги қарорларининг қонунийлигига ҳуқуқий баҳо бериш учун тўпланган материаллар Бош прокуратурага юборилди.

Суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилиши юзасидан Мажбурий ижро бюроси (*Бюро*) ва бошқа тегишли ташкилотларда ўрганиш ўтказилди.

Аниқланишича, 2020-2021 йилларда Бюро томонидан республика бўйича 4,9 млн та ижро ҳужжати тамомланган бўлиб, шундан (33,8 фоиз) 1 149,9 мингта ижро ҳужжати бўйича қарздорлик ундирилмасдан тамомланган.

Ўрганишда аниқланган ҳолатларни бартараф этиш мақсадида 7,9 мингта ижро иши қайта тикланиб, Бюро ҳамда бошқа идоралар билан ҳамкорликда қарздорлик ундирилди.

Масалан, Бюро томонидан 5 148 та ижро ҳужжатлари улар бўйича 655 та кўчмас мулк, 1 607 та автотранспорт ва 4 571 та техникалар мавжуд бўлсада, асоссиз тамомланган.

Шунингдек, 7 711 та ижро ҳужжатининг тугатилишида 7 514 та мулкни аниқлаш ва улар ҳисобидан қарздорликларни қоплаш чоралари кўрилмаган.

Бундан ташқари, 4 та йўналишдаги 4 223 та ижро ҳужжатлари тугатилишида қарздорларнинг молиявий манбалари ҳисобидан қарздорликларни қоплаш чоралари кўрилмаган.

Судлар томонидан 15 734 та маъмурий иш камчилик мавжудлиги қайд этилиб ваколатли органларга қайтарилган бўлсада, камчиликлар бартараф этилиб судларга қайта юборилмаганлиги сабабли жарима қўлланилмаган.

Қўшимча даромад манбаларини аниқлаш ва бюджетга сафарбар қилиш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасида ўрганиш ўтказилди.

Ўрганишда бюджетга қўшимча даромадларни жалб қилиш имконияти аниқланди.

Давлат солиқ қўмитасида давлат улуши бўйича дивидендларнинг бюджетга ундирилиши ҳамда қўлланилган солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг қонунийлиги ҳамда натижадорлиги ўрганилди.

Ўрганишда давлат бюджетига дивидендлар ҳисобланмаганлиги, имтиёзлардан асоссиз, мақсадсиз фойдаланилганлиги ҳамда бошқа хато ва камчиликлар аниқланди.

Давлат корхоналарининг йил якунлари бўйича олган соф фойдаси ҳисобидан давлат бюджетига дивидендларни ҳисоблаш, ундириш ва уларни аниқ муддатлари ҳамда амалга оширувчи масъул органларни белгиловчи ягона тартиб ишлаб чиқилмаганлиги оқибатида қатор камчиликлар юзага келаётганлиги маълум бўлди.

2020-2021 йиллар учун Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунларда давлат корхоналари томонидан дивидендлар тўлаш миқдорлари ва муддатларини белгилаш ҳуқуқи Молия вазирлигига юклатилган бўлсада, амалда ушбу кўрсаткичлар корхоналар кесимида Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиш баёни билан тасдиқланади.

Бироқ, дивидендлар миқдорини белгилашда баёнларда соф фойда олган барча давлат корхоналари тўлиқ қамраб олинмаган.

Шунингдек, 48 та давлат корхонаси томонидан 2021 йилда олинган соф фойдадан дивиденд тўловини амалга оширган бўлсада, солиқ

органлари томонидан уларга дивиденд тўловлари ҳамда 462 та корхона бўйича дивиденд солиғи ҳисобланмаган.

Ўрганиш жараёнида солиқ органлари томонидан назорат тадбирлари ўз вақтида олиб борилмаганлиги оқибатида бюджетга ундирилмасдан қолган дивидендларни давлат бюджетига ундирилиши ҳамда қўшимча дивиденд ҳисобланиши таъминланди.

2018-2022 йилларда 609 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (*бузунги кунда 358 таси амалда*) асосида солиқ имтиёзлари ва преференциялари қўлланилган.

Солиқ имтиёзларининг тўғри қўлланилиши, улардан қонуний ва самарали фойдаланилиши устидан назорат тартиби белгиланмаганлиги оқибатида солиқ тўловчилар томонидан имтиёзлар мақсадсиз ва асоссиз фойдаланилган.

Жумладан, имтиёзлар муддати тугаган 65 та ҳолатда, имтиёз мавжуд бўлмаган 111 та ҳолатда солиқ имтиёзларидан фойдаланилган ва солиқлар давлат бюджетига жалб қилинмасдан қолган.

Ички ишлар вазирлиги ЙҚХББда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.04.2022 йилдаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-190-сон қарори ижроси юзасидан ўтказилган ўрганишда бюджетга жарималар ундирилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.04.2021 йилдаги 232-сонли қарорига асосан Йўл ҳаракати хавфсизлиги жамғармаси ҳисоб рақамидан республика бюджетига 5 фоизгача ўтказилиши лозим бўлган маблағдан ўтказилмаган.

Шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этган фуқаролар яшаш манзили маълумотларида камчиликлар мавжуд бўлганлиги ёки манзиллари тўлиқ бўлмаганлиги сабабли Мажбурий ижро бюросидан 62,7 мингта ижро ҳужжатлари ижросиз қайтарилганлиги ҳисобига ундириш чоралари кўрилмаган.

Давлат хусусий-шериклик шаклида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига 2019-2022 йилларда ажратилган субсидиялар таҳлил қилинди.

Масофавий тарзда амалга оширилган риск-таҳлил натижасида субсидиялар нотўғри ажратилганлиги аниқланди.

Шунингдек, иш ҳақи учун ажратилган субсидиялардан Солиқ кодексининг 56-бобида белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобланмаган.

Мактабгача таълим муассасалари фаолият юритмаган даври учун ва бир вақтнинг ўзида бошқа ташкилотда тўлиқ ставкада ишлаётган ходимларга субсидиялар нотўғри ажратилган.

Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

## **2.6. Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этилиши устидан назорат.**

Бюджет жараёни очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш соҳасида биринчи даражали, иккинчи даражали ва ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармалари, шунингдек тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ҳокимликлар томонидан ўз расмий веб-сайтларига бюджет жараёни очиқлигини таъминлайдиган ахборотнинг жойлаштирилиши масофавий тарзда мунтазам таҳлил қилиб борилди.

Жумладан, тегишли раҳбар буйруғи билан ушбу ахборотларни жойлаштиришга бириктирилган масъул ходимлар рўйхати шакллантирилди ҳамда тегишли ҳисобот жадваллари асосида маълумотларни Ҳисоб палатасига тақдим этиб бориш тизими йўлга қўйилди.

Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлайдиган ахборотни жойлаштириш муддатлари ва тартибига риоя этилишини таъминлаш борасида 2022 йил февраль ойида Ҳисоб палатаси томонидан Молия вазирлиги билан ҳамкорликда “вебинар” ўтказилди.

Тадбирда 133 тадан зиёд вазирлик ва идораларнинг 242 нафар масъулларига презентациялар ёрдамида “Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низом” (07.05.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3299) мазмун-моҳияти ҳамда талаблари юзасидан батафсил тушунтириш берилди.

Шу билан бирга, масъуллар бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этмаслик маъмурий жавобгарликка тортиш учун сабаб бўлиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилди.

Бундан ташқари, 2022 йил биринчи чорақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси ҳамда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати билан ҳамкорликда давлат органлари

ва ташкилотлари томонидан бюджет жараёнининг очиқлигини таъминланиши юзасидан жамоатчилик эшитуви ўтказилди.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари ва тегишли давлат ташкилотлари масъуллари иштирок этиб, ушбу йўналишда кўрилаётган чоралар ва эришилган натижалар кенг муҳокама қилинди ва оммавий ахборот воситаларида ёритилди.

Таҳлил натижалари 137 та вазирлик ва идоралардан ҳар чоракда ўртача 15 таси (11 фоиз) қисман ва 30 таси (22 фоиз) умуман маълумотларни расмий веб-сайтларида жойлаштирмаётганлигини кўрсатди.

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибини бузган 11 та вазирлик ва идораларнинг 12 нафар мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175<sup>7</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилди ҳамда судларга юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.09.2021 йилдаги ПҚ-5250-сон қарорига мувофиқ 2022 йилнинг биринчи ярми якуни бўйича 208 та туман ва шаҳар ҳокимликлар томонидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш юзасидан маълумотларни расмий веб-сайтларда ёритилганлиги ўрганилди.

Аниқланишича, 5 та ҳокимлик мазкур маълумотларни қисман ва 159 таси умуман жойлаштирмаган.

Маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштирмаган ҳокимликлар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига 14 та тақдимномалар юборилди.

Тақдимномаларга асосан 85 нафар масъул ходимларга нисбатан “ҳайфсан” ва “жарима” интизомий жазолари қўлланилиб, тегишли маълумотларни туман (шаҳар) ҳокимликлари расмий веб-сайтларига жойлаштиришда йўл қўйилган хато ва камчиликлар бартараф этилди.

### **III. ПУЛ-КРЕДИТ ВА ВАЛЮТА СИЁСАТИ, ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ ҲАМДА МАЖБУРИЯТЛАРИ ҲОЛАТИ, ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАЛАРИ БОШҚАРИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида пул-кредит ва валюта сиёсати, олтин-валюта захиралари, қимматбаҳо металллар билан операциялар, соф фойда тақсимоти, банк назорати ва банкларнинг молиявий барқарорлиги билан боғлиқ масалалар ўрганилди.

#### **Пул-кредит сиёсати.**

Банк тизими ресурслар базасида аҳоли муддатли омонатлари улуши сўнги 4 йилда атиги 7,9-8,4 фоизни ташкил этган. Аксинча, ушбу даврда Молия вазирлиги депозитлари ва ресурслари улуши – 3,1 фоиздан 16,2 фоизга, хорижий банклар ва молия ташкилотлари ресурслари – 17 фоиздан 27,4 фоизгача ошган.

Марказий банк ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ўртасида макроиқтисодий сиёсат ва унинг таркибий қисмлари бўлган пул-кредит сиёсати ҳамда фискал сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Хусусан, вазирлик томонидан ялпи ички маҳсулот талаб жиҳатдан эмас, балки таклиф тарафдан прогноз қилиниб, саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми каби муҳим кўрсаткичлар аввалги йиллар трендига қараб шакллантирилган.

Шунингдек, нархларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг инфляцияга таъсирини ҳисоблаш усулларининг самарадорлиги аниқ эмас.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига зид равишда Марказий банк томонидан келгуси йиллар учун тўлов балансининг капитал операциялар ва молиявий ҳисоб бўйича кўрсаткичлари прогнозлари ишлаб чиқилмаган.

#### **Марказий банк соф фойдаси тақсимоти ва молиявий-хўжалик фаолияти.**

Ўрганишда Марказий банк тизимида солиқлар тўлаб берилмаган, иш ҳақи, харидлар каби қатор масалаларда молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилгани аниқланган.

Марказий банк тизимидаги 4 та ДУК соф фойдасининг 50 фоизи давлат бюджетига йўналтирилиб, қолган қисми ҳисобига Марказий банк ўз улушини ошириш чораларини кўрмаган ва оқибатда унинг даромадида акс эттирилмасдан қолган.

#### **Банк назорати ва банкларнинг молиявий барқарорлиги.**



Марказий банк томонидан тегишли Қонунларда назарда тутилган, кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан пруденциал назорат дастури, банк таваккалчиликларини баҳолаш қўлланмаси ҳамда асослангандирилган мулоҳазани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби ишлаб чиқилмаган.

Банк тизими бўйича капитал етарлилиги кўрсаткичи 2020 йил бошидаги 23,5 фоиздан 01.09.2022 йил ҳолатига 16,5 фоизгача камайган.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари пасайиб бориб, Марказий банк маълумотида кўра 01.09.2022 йил ҳолатига 33 та банкдан 7 таси ўз фаолиятини зарар билан якунлаган.

Шу билан бирга, муаммоли кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга захирани тўлиқ шакллантирадиган бўлса, 2022 йил 1 сентябрь ҳолатига 14 та банк зарар кўриб ишлаётгани маълум бўлади.

Тижорат банкларидаги муаммоли кредитларни ундириш манбаларидан тўлиқ фойдаланиш йўлга қўйилмаган. Жумладан, оилавий тадбиркорликка ажратилган муаммоли кредитлар танлов асосида ўрганилганда 14 фоизга яқини доимий даромад манбаига эга бўлган фуқароларга тўғри келиши маълум бўлди.

### **Валюта сиёсати**

Миллий валютада маблағ керак бўлган хўжалик юритувчи субъектларга хорижий валютада кредит бериш амалиёти кенг тус олган. Жумладан, сўнгги 5 йилда банклар томонидан (17,5 фоиз) кредитлар мижозларга хорижий валютада ажратилиб, кейин сўмга айирбошлаб берилган.

Таҳлилларга кўра, банк инфратузилмасининг етарли эмаслиги, шунингдек валюта айирбошлаш шохобчалари (ВАШ) фаолиятининг ҳафтанинг шанба-якшанба кунлари йўлга қўйилмаслиги валюта айирбошлаш операцияларининг банкдан ташқари амалга оширилишига замин яратмоқда.

Жумладан, 2022 йилнинг 8 ойида ВАШ орқали валюта айирбошлаш ҳажми дам олиш кунларида иш кунларидагига нисбатан 18 баробар кам бўлган.

Марказий банкда ўтказилган аудитда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва тизимли муаммолар ечими юзасидан тегишли таклифлар киритилди ҳамда ҳолатлар юзасидан материаллар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

### **Банк тизимида имтиёзли кредитлаш ишлари ҳолати.**

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан хизматлар соҳасини ривожлантириш учун ажратилган кредитларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши тижорат банкларида ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2021 йилдаги ПҚ-5113-сон қарорига асосан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 7 та тижорат банкига ресурс ажратилган.

Ўрганишда кредитлар мақсадсиз сарфланганлиги, маҳсулотлар ўз вақтида етказиб берилмаганлиги ҳамда қарорда кўзда тутилмаган лойиҳаларга ажратилганлиги аниқланди.

Шунингдек, лойиҳаларнинг 60 фоизда тушум кўрсаткичлари бажарилмаганлиги, 2 та ҳолатда шартномаларда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилганлиги, янги иш ўринларини яратиш режаси бор-йўғи 34 фоизга бажарилганлиги маълум бўлди.

Банклар томонидан 2 та ҳолатда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилиб, самарасиз лойиҳаларга имтиёзли кредитлар берилган.

Мақсадсиз ишлатилган кредитлар юзасидан ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилинди ҳамда кредитлар муддатидан аввал ундирилди ёки ускуна (жиҳоз)лар олиб келиниши таъминланди.

Оилавий тадбиркорликка ажратилган муаммоли кредитларни камайтириш бўйича Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидаги ишлар ҳолати ўрганилганда:

– банклар томонидан муаммоли кредитларни суғурта компанияларидан ундириш чорали кўрилмагани;

– доимий даромад манбаига эга бўлган фуқароларнинг муаммоли кредит қарздорликларини ундириш чоралари кўрилмасдан, банк захираси ҳисобига қоплангани;

– Андижонда 666 та ҳолатда ва Наманганда 145 та ҳолатда шартномалар бўйича маҳсулотлар етказиб берилган бўлсада, бир ойдан ортиқ вақтдан буён кредитлар ажратилмагани;

– аввалги йилларда ажратилган муаммоли кредитлар мақсадсиз сарфлангани аниқланди.

Ўрганиш давомида муаммоли кредит қарздорликлари камайтирилди ҳамда муаммоли кредит қарздорлигини ундириш учун судларга ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаатлар киритилиши таъминланди.

Шунингдек, кредитлар бўйича суғурта компанияларига тўловларни қоплаб бериш юзасидан талабномалар чиқарилди.

## **Давлат активларини самарали бошқарилишини назорат қилиш борасида амалга оширилган ишлар.**

“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси томонидан қимматли қоғозларни ҳисобга қўйилиши, сақланиши ва қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-китоблар белгиланган тартибда амалга оширилиши мувофиқлик аудитидан ўтказилди.

01.01.2022 йил ҳолатига корхона томонидан 612 та ташкилотнинг қимматли қоғозлари рўйхатдан ўтказилган.

Дастурий таъминотдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда унинг техник имкониятлари чекланганлиги сабабли, корхонага юклатилган 13 та вазифадан 6 таси тўлиқ бажарилмаган, жумладан:

– қимматли қоғозлар эгаларининг умумлашган реестрлари, чет эллик номинал сақловчиларнинг депо ҳисобварақлари, шунингдек депонентларнинг ягона базаси юритилмаган;

– норезидентлар томонидан чиқарилган ва республика ҳудудида муомалага киритилиши мумкин бўлган қимматли қоғозлар ҳисобга олинмаган ва ўз навбатида бундай қимматли қоғозлар муомалага киритилмаган;

– резидентлар томонидан чиқарилган ва республикадан ташқарида муомалага киритилган қимматли қоғозлар ҳисобга олинмаган;

– депо ҳисобварақлар бўйича қимматли қоғозлар ҳаракати тўғрисидаги ахборотнинг тўпланиши ва тизимлаштирилиши йўлга қўйилмаган.

Бундан ташқари, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ инвестиция воситачисининг фаолияти лицензияланиши лозим бўлсада, корхона ушбу фаолият тури билан 2021 йилда лицензиясиз шуғулланган.

Корхонада рўйхатдан ўтказилган 107 та ташкилотнинг қимматли қоғозлари қонунчиликда белгиланган бир йил муддатда биржада жойлаштирилмаган бўлсада, рўйхатдан ўтказувчи орган (Иқтисодиёт ва молия вазирлиги) томонидан уларни бекор қилиш ва рўйхатдан чиқариш чоралари кўрилмаган.

Шу билан бирга, Давлат активларини бошқариш агентлигида хусусийлаштириш ва ижарага бериш, ер участкаларини аукционга чиқариш жараёнлари ҳамда солиқларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган маълумотлар базаларининг ишончлилиги юзасидан ўтказилган ўрганишда бюджетга қўшимча солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланди.

Агентликда хусусийлаштирилиши белгиланган давлат мулклари, улар бўйича сотиш ва ижарага бериш жараёнлари назорати асосан “қоғоз” шаклида олиб борилиб, ҳисоб ва ҳисоботларни электрон дастур асосида тизимли юритиш йўлга қўйилмаган.

Ижтимоий соҳа ҳамда давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари томонидан бўш турган 414 та объектдан самарали фойдаланиш, жумладан сотиш ёки ижарага бериш бўйича аниқ таклифлар берилмаган.

Ижара ҳисоби замонавий электрон тизим асосида йўлга қўйилмаганлиги ҳамда тўловларни ундириш чоралари етарли эмаслиги оқибатида, ижара шартномалари бўйича муддати ўтган қарздорлик юзага келган.

Ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича Агентликка тегишли кўрсатмалар берилди.

#### **IV. ДАВЛАТ ҚАРЗИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИХАЛАРНИНГ МАҚСАДГА МУВОФИҚЛИГИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ.**

Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш ва ўзлаштириш прогнози бажарилиши ўрганилди.

2022 йилда 59 та лойиҳа бўйича ўзлаштириш прогнози бажарилмаган бўлиб, амалда ўзлаштирилган ва прогноз 73,7 фоизга бажарилган.

Ҳисобот йилида давлат қарзини самарали бошқариш ва жалб қилинаётган қарзлардан мақсадли фойдаланиш ҳолати, амалга оширилган лойиҳаларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини ўрганиш юзасидан 8 та назорат тадбири ўтказилди.

Ўтказилган назорат тадбирларида молиявий хато ва камчиликлар, шу жумладан давлат харидлари тўғрисидаги қоидалар бузилиши, мақсадсиз ва самарасиз харажатлар ҳамда ортиқча режалаштирилган маблағлар аниқланди.

Бундан ташқари, назорат тадбирлари давомида солиқ тўловларининг қўшимча ҳисобланиши таъминланди.

Жумладан, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказида 7 та лойиҳа доирасида халқаро молия институтларидан жалб қилинган ташқи қарз ва грант маблағларининг мақсадли ва самарали ўзлаштирилиши аудитдан ўтказилди.

01.06.2022 йил ҳолатига ушбу маблағлардан (61 фоиз) қарз ва грант (78 фоиз) маблағлари молиялаштирилган бўлиб, тижорат банкларида фойдаланмасдан келинаётганлиги аниқланди.

Марказ томонидан сублойиҳалар аниқланмасдан қарзларни жалб этиб, улардан фойдаланилмаган кунлар ҳисобига ортиқча фоиз харажатларига йўл қўйилган.

Лойиҳалар доирасида танловлар ўтказиш, шартномалар тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашда 82 та ҳолатда хато ва камчиликларга йўл қўйилган.

Назорат тадбирларида аниқланган ҳолатлар бўйича тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун Бош прокуратурага юборилди.

Ҳисоб палатаси томонидан 2022 йил 1 июль санасига давлат қарзи ҳолати аудитдан ўтказилганда, 17 та давлат ташқи қарзи битимлари

бўйича лойиҳа ташаббускорларининг Молия вазирлиги олдида жами муддати ўтган қарздорликлари ундирилмаганлиги аниқланган.

Шунингдек, Молия вазирлиги томонидан берилган 10 та давлат кафолатлари бўйича тақдирлаш пуллари ундирилмасдан қолган.

Бундан ташқари, лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари олдиндан етарлича ўрганилмагани, лойиҳа техник иқтисодий асосларини ўз вақтида ишлаб чиқилмагани ва тасдиқланмагани туфайли 15 та ташаббускор томонидан 35 та қарз битимлари имзоланганига 2 ойдан 5,5 йилгача муддат ўтганига қарамай, маблағларни 2022 йил 1 июлга қадар жалб этиш (ҳисобварақдан ечиб олиш) умуман бошланмаган.

Давлат ташқи қарзи бўйича имзоланган битимларнинг 229 тасида қарзнинг жалб этилмаган қисмига нисбатан мажбурият учун комиссия ҳисобланиши ва ундирилиши белгиланган.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда тизимли муаммолар ечими юзасидан тегишли идораларга таҳлилий ахборот ва таклифлар киритилди.

## V. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАРИ ТЎЛИҚ ҲАМДА ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ.

Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда ҳудудларга ташрифлари давомида берилган топшириқлари ижросини назорат қилиш ишлари давом эттирилди.

Жумладан, “ijro.gov.uz” электрон тизимида 3 414 та ҳужжатдаги 93 мингта топшириқ, жумладан 2022 йилда қабул қилинган 470 та ҳужжатдаги 28,5 мингта топшириқ ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилди.

Топшириқлар ижроси юзасидан киритилган 112 мингта ахборотдан 106,3 мингтаси қабул қилинди, 5,7 мингтаси (5,1 фоизи) етарли асослар бўлмаганлиги сабабли ижрочиларга қайтарилди.

Шунингдек, барча давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига муддати кечиктирилаётган топшириқлар ижросини зудлик билан таъминлаш, муддати келадиганлар ижросини ўз вақтида бажариш ҳамда муддати белгиланмаган ёки бир йил ва ундан ортиқ этиб белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан маълумотларни “ijro.gov.uz” электрон тизимига ҳар 6 ойда киритиб бориш бўйича кўрсатма юборилди.

Ушбу кўрсатма ижроси доимий назоратга олиниши натижасида 2022 йил ноябрь-декабрь ойларида муддати келадиган 8 330 та топшириқнинг 93 фоизи ижроси таъминланди.

Топшириқлар ижросини ҳаққонийлиги юзасидан 9 та вазирлик ва идоралар, 2 та вилоят ҳокимлигида манзилли ўрганиш ўтказилиб, тизимга нотўғри маълумотларни киритилганлиги сабабли назоратдан ечилган 323 та топшириқни ижроси қайта назоратга олинди.

Жумладан, 2022 йилда Олий таълим, Халқ таълими ва Маданият вазирликлари ҳамда Миллий, Саноат қурилиш ва Асака банкларида комплекс ўрганиш ўтказилди.

Шунингдек, Автомобиль йўллари қўмитасида (ПФ-5890-сон Фармон, ПҚ-4035, ПҚ-4545-сон қарорлар ижроси), Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва барча ҳудудларда (ПҚ-190-сон қарор ва 11-2022-сон баён ижроси), Сув хўжалиги вазирлиги ва барча ҳудудларда (сув хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишга доир 9 та ҳужжат ижроси) ҳамда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида тематик ва манзилли ўрганишлар ўтказилди.

Ўтказилган ўрганишлар натижасида 1 567 та масъул шахсга тегишли жазо чоралари (525 та интизомий, 779 та маъмурий ва 263 та огоҳлантириш) кўрилди, 87 та жиноят иши очилди ҳамда 161 та топшириқ ижроси жойида таъминланди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 66 та таклифлар ишлаб чиқилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида Давлат Раҳбарининг ташрифлари давомида берилган топшириқлар ижроси бўйича Ҳисоб палатаси томонидан ишчи гуруҳлари тузган ҳолда доимий мониторинг юритилиб, амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига 20 та ахборот киритилди.

Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларини ижроси жойларга чиққан ҳолда ва масофавий ўрганиш жараёнида аниқланган номувофиқликлар ҳамда топшириқлар ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйилишини бартараф этиш юзасидан вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликларга 57 та кўрсатма ва тақдимномалар киритилди.

Ҳисоб палатасининг кўрсатма ва тақдимномалари асосида фаолиятида қўпол камчиликларга йўл қўйган 214 нафар раҳбар ва масъул ходимларга интизомий чоралар кўрилди, 98 нафари огоҳлантирилди.

Ҳисоб палатаси томонидан Президент топшириқларини ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш юзасидан Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда доимий назорат ўрнатилиб, қатъий чоралар кўриб борилмоқда.



## **VI. АНИҚЛАНГАН МУАММОЛАР, МАВЖУД ТЎСИҚЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ТАКЛИФЛАР ВА УЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ.**

Ҳисоб палатаси томонидан ҳисобот йилда олиб борилган назорат тадбирлари давомида аниқланган тизимли камчиликларни бартараф этиш, келгусида олдини олиш ва йўл қўймаслик мақсадида 7 та йўналишда жами 248 та таклиф ишлаб чиқилиб, ваколатли ташкилот ва идораларга юборилди.

Жумладан, таклифларнинг 87 таси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш, 86 таси ички идоравий ҳужжатлар ҳамда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, 46 таси бюджет тизими бюджетлари харажатларини оптималлаштириш, маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, 29 таси бюджет ва мақсадли жамғармаларга тушумларни ундирилишини таъминлашга қаратилган.

Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини янада ошириш мақсадида ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар бюджет маблағларининг самарали ва мақсадли сарфланганлиги, харажатларнинг амалий натижалари юзасидан йиллик фаолияти тўғрисида маҳаллий Кенгашларга ҳисобдорлигини, вазирлик ва идораларнинг жамоатчилик ва Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобдорлигини белгилаш таклифи ишлаб чиқилди.

Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2022 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-471-сон қарорида ўз аксини топди.

Шу каби, давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ташқи аудитдан ўтказишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш юзасидан 65 та тадбирдан иборат (*шундан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича 19 та, дастурий комплексларни такомиллаштириш бўйича 11 та*) қўшма чора-тадбирлар тасдиқланиб, ижроси назоратга олинди.

Бундан ташқари, Молия вазирлигида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг 2021 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказишда айрим хато ва камчилик аниқланди.

Жумладан, тугатилган (бекор қилинган) айрим даромад турлари бўйича келгусида ундириладиган тушумларни, ҳосил бўлган ортиқча

тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш қайси бюджет даражаларида амалга оширилиши ва уларнинг ҳисоботларида акс эттирилиши қонунчиликда белгиланмаган.

Натижада, ҳосил бўлган ортиқча тўловлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан солиқ тўловчиларга қайтарилган.

Ушбу масала юзасидан Бюджет кодекси ҳамда “Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисида”ги Йўриқномага (Адлия вазирлигида 30.03.2016 йилда 2771-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф киритилди.

Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-813-сон) 12-моддасида ўз аксини топди.

Яъни, бюджет тизими бюджетларига ортиқча ёки нотўғри тўланган тушумларнинг суммаларини қайтариш уларни қайтариш санасида амалда бўлган ажратмалар нормативларига мувофиқ тегишли бюджет тизими бюджетларидан, бекор қилинган даромад турлари бўйича эса республика бюджетидан амалга оширилиши белгиланди.

## **VII. ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ҲАМДА БОШҚА ТЕГИШЛИ МУАССАСА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ДОИР ЧОРАЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ.**

Бу йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида 134 та давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий ҳокимликларда мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Давлат ташкилотларидаги коррупцияга қарши курашиш тузилмалари фаолиятини назорат қилиш мақсадида “anticor.uz” электрон ахборот тизими жорий этилиб, ҳисобот шакллари ҳамда вазирлик ва идоралар рейтинг тизими яратилди.

Коррупцияга қарши менежмент бўйича 13 та вазирлик ва идорада ISO халқаро стандарт сертификати олиниб, коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган 9 та давлат органларининг маълумотлар базалари ўзаро интеграция қилинди.

Ҳисобот йилида 3 та вазирлик ва 3 та тижорат банкида жорий қилинган коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизими ўрганилди.

Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ва Маданият вазирликлари ҳамда “Ўзмиллий банк”да коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимини йўлга қўйишга доир айрим ички идоравий ҳужжатлар тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги ва амалиётга татбиқ этилмаганлиги аниқланди.

Ўрганиш давомида коррупцияга қарши курашиш ички назорат тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлигини ошириш жараёнига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар аниқланиб, тегишли тавсиялар берилди.

2022 йилда давлат ташкилоти ва муассасаларида ички назорат тузилмаларини жорий этиш ҳамда уларни ходимлар билан тўлдириш ҳолати таҳлил қилинди.

Ўрганишда Фанлар Академияси ҳамда Маданий мерос агентлигида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилмаганлиги аниқланди.

Шунингдек, ички назорат тузилмаларини самарали жорий этишда давлат ташкилоти ва муассасаларининг 59 тасида ички идоравий ҳужжатлар қабул қилинган бўлса, 52 тасида (*масалан, Навоий ва Қашқадарё вилоят ҳокимликлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш*

вазирлиги, Миллий ахборот агентлиги ва “Микрокредитбанк” АТБ) ҳеч қандай чоралар кўрилмаганлиги маълум бўлди.

Коррупцияга қарши курашиш тизимларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот ва таклифлар ишлаб чиқилиб тегишли идораларга киритилди.

## VIII. АМАЛГА ОШИРИЛГАН БОШҚА ТАДБИРЛАР.

Юқоридагилардан ташқари, аҳолини қийнаётган тизимли муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш юзасидан 12 та назорат ва таҳлилий тадбирлар ўтказилди.

Жумладан, “Яшил йиллик” тадбири доирасида 2022 йил баҳор мавсумида дарахт ва бута кўчатларининг амалда экилганлиги ва парваришланиши ҳолати ўрганилди.

Хусусан, 187 та туман (шаҳар)да экилган 79,7 млн дона кўчатни парваришлаш ишлари ҳолати ҳудудларга чиққан ҳолда ўрганилганда, 12,8 фоизда камчиликлар аниқланди.

Жумладан, экилган дарахт ва бута кўчатларидан 4,6 млн донаси қуриганлиги, 484,6 минг донаси иқлимга мос келмаганлиги ва 181,5 минг донаси пайҳон этилганлиги сабабли нобуд бўлган.

Шундан 2,7 млн дона сувсизликдан, 1,9 млн дона нотўғри қумли, тошли ерларга, мавсумдан кечикиб ва касалланган ҳолатда экилиши оқибатида қуриган.

“Яшил макон” электрон платформасидаги ҳисоботлар ҳаққонийлиги ўрганилганда, 5,9 млн (*Бухорода 2,5 млн, Сурхондарёда 2,4 млн, Фарғонада 1,0 млн*) дона кўчат амалда фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг боғ, токзор ва тутзорлар ташкил этиш учун ажратилган ерларда экилган бўлсада, белгиланган талабга зид равишда экин ер майдонлари четларига ва ихота дарахтзорлар барпо этиладиган ерларга экилган деб кўрсатилганлиги маълум бўлди.

Қиш мавсумини беталафот ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги топшириққа асосан энергоресурслар таъминотига масъул корхоналар ва ҳудудий штабларга ходимлар бириктирилиб, қуйидаги камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

“Ўзтрансгаз” АЖ томонидан табиий газни қабул қилувчи электрон ҳисоблагичлардан 18 таси (*25 фоиз*) ва етказиб берувчи 228 таси (*19 фоиз*) АСКУГ тизимининг “онлайн” режимига уланмаган.

Магистрал тармоқдан етказилаётган табиий газ ҳисоблагичларининг истеъмолчилар балансидаги қолган 557 тасини (*47 фоиз*) бузиш, тизимдан узиб қўйиш ёки вақтинчалик ечиб қўйиш орқали ўғирлик қилишга шароит яратилганлиги оқибатда табиий газ йўқотишлари ортган.

Хусусан, 2022 йил учун табиий газнинг технологик йўқотишлар прогнози 589,3 млн м<sup>3</sup> тасдиқланиб, амалда прогноздан ортиқ йўқотилган 181,8 млн м<sup>3</sup> билан ўртача 20 минг хонадонни бир йил давомида таъминлаш мумкин эди.

Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари ҳудудий газ корхоналари масъуллари 56,2 млн м<sup>3</sup> табиий газдан ноқонуний фойдаланиш бўйича расмийлаштирилган далолатномаларни маълумотлар базасига киритмаганлиги оқибатида, тўловлар ундирилмаган.

Миллий диспетчерлик марказининг дастурий таъминотида Тошкент шаҳри ва вилоятидаги 45 та подстанциядан маълумот етказилмаганлиги сабабли 102,1 млн кВт соат электр энергия истеъмоли дастурда шаклланмасдан қолган ва оқибатда ҳудудларга киритилган чекловлар аниқ ҳисоб-китобга асосланмаган ҳолда юритилганлиги аниқланди.

Масалан, электр танқислигида режали чеклов ўрнатилган даврда юқоридаги подстанцияларда умуман чекловлар ўрнатилмаган.

Ҳисоб палатаси томонидан барча подстанциялар хатловдан ўтказилиб, Миллий диспетчерлик маркази базасига маълумотлар тўлиқ жамланиши ва тақсимот адолатли амалга оширилиши назорат қилинди.

Кўмир маҳсулотини етказиб беришда 271 та қонун бузилиши аниқланиб, оқибатда зарар етказилганлиги аниқланди.

Аҳоли томонидан келиб тушаётган мурожаатлар ва эҳтиёжманд оилаларнинг кўмир маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида, шаҳар-туманларда ўрганишлар ўтказилиб, улар давомида аҳолининг мурожаатлари ижобий ҳал этилди.

Ҳудудларда шароити оғир ва эҳтиёжманд хонадонларга кўмир етказиб берилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда тизимли муаммолар ечими юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритилиб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун Бош прокуратурага юборилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудий ҳокимлар кафолат хатлари ҳамда “Йўл харита”ларида белгиланган 790 та лойиҳаларнинг ташаббускорлари билан жойларда бевосита учрашилиб, уларнинг истиқболлари ўрганилди.

124 та лойиҳа истиқболсиз деб топилиб, 94 та янги истиқболли лойиҳа киритилди ва қолганлар ўрнини тўлдириш юзасидан топшириқ берилиб, ижроси назоратга олинди.

## **IX. ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ.**

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Осиё Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (ASOSAI) Бошқарув кенгашининг 23.05.2022 йилдаги навбатдаги учрашувида ушбу ташкилотга тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди.

ШХТга аъзо давлатларнинг олий молиявий назорат органлари раҳбарларининг 15-учрашувида пандемия даврида масофавий аудитни амалга оширишдаги Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тажрибаси юқори баҳоланди.

Туркия, Эстония, Қозоғистон Республикаси олий аудит органларига ташрифлар амалга оширилди. Туркия олий аудит органи билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Португалия, Озарбайжон ва Қозоғистоннинг олий молиявий назорат органлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди.

ЭКОСАИ (Иқтисодий ҳамкорлик мамлакатлари олий аудит органлари) ташкилотининг Аудит бўйича кўмитасига аъзо бўлинди.

Ҳисоб палатасининг масъул ходимлари Австрия ва Швейцарияда грант асосида малака оширди, 18 та халқаро ўқув семинар, тренинг ва мастер классларда иштирок этди.

Ҳисоб палатасининг фаолиятига доир материаллар ЕВРОСАИ ташкилотининг Ахборот технологиялари бўйича ишчи гуруҳининг махсус бюллетенида (Эстонияда) ва ИНТОСАИнинг Давлат аудити халқаро журнали (АҚШ), Россия Федерацияси Ҳисоб палатасининг “Мониторинг” журналларида нашр қилинди.

Назорат тадбирларини ташкил этилиши ва уларнинг натижалари тўғрисида 13 та теледастурлар ташкил қилинди, босма газеталар ва Интернет нашрларда 110 та мақолалар чоп этилди.

2022 йилдан бошлаб 214 та индикатор асосида Ҳисоб палатасининг ҳар бир ходими фаолияти самарадорлигини баҳоловчи КРІ рейтинг тизими яратилиб, ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларнинг рейтинг натижалари асосида амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Россия Федерацияси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон тажрибасидан “Давлат аудити” ва “Камерал назорат” дастурий комплекслари ҳамда КРІ рейтинг баҳолаш амалиётига қизиқиш билдириб, жорий йилда Тошкентга ташрифи режалаштирилган.

Кадрларни тайёрлаш борасида 2022 йилда Ҳисоб палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Иқтисодиёт университети ва Молия институти ўртасидаги “Ўзаро ҳамкорлик меморандуми” имзоланди. Унга мувофиқ:

– Иқтисодиёт университети ва Молия институтида амалий тадқиқотлар кафедраси ташкил қилинди;

– Ҳисоб палатаси ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ходимлари ҳамда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда талабалар учун семинар ва мастер класслар ўтиш ташкил этилди;

– талабаларни ички аудит тузилмаларида фаолият юритаётган малакали ходимларга “Устоз-шогирд” анъаналаридан келиб чиққан ҳолда бириктириш чоралари кўрилди.

Халқаро тажрибалардан фойдаланган ҳолда 2022-2023 йил ўқув режаларига “Мувофиқлик аудити”, “Молиявий аудит”, “Самарадорлик аудити” ва “Давлат молиявий назоратида хавф-тахлил” каби янги фанлар киритилди.

2022-2023 йилларда 16 та олий таълим муассасасининг 34 нафар профессор-ўқитувчиларини етакчи халқаро таълим муассасаларида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича режа-график ишлаб чиқилди.

Ҳисоб палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, ички аудит хизматлари, Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциациясида талабалар ўқув амалиётини ўтишини йўлга қўйиш, Иқтисодиёт ва молия вазирлигида қўшма кафедра филиалини очиш ишлари келишиб олинди, Давлат молиявий назорати органлари ходимларини амалий дарслар ўтиш тизими яратилди.

**Ҳисоб палатаси**